





## Форум ишиш бошлади

Кече Швейцариянинг Давос шаҳрида навбатда 46-Бутунжоюн иктисодиёти форуми ишиш бошлади. The Wall Street Journal газетасининг ёзишича, форум қатнашчилари асосан энергетик хавфсизлик масалаларини мухокама кильмокдадар. Форумда дунёнинг етакчи энергетика компанияси раҳбарлари ишишни этишашти.

Форум қатнашчилари Ироқ уруши жаҳонда нефть нархининг рекорд даражага этишига сабаб бўлганин кайд этдилар. Уч ярим соат давом этган сесияда иширокчилар мабодо террорчилар хужуми оқибатида кора олтин баҳоси 120 долларга чиқкан вазиятда қандай чоралар кўриш масаласини мухокама кильдилар.

## Тергов натижалари эълон

### Қилинмаяпти

Олдин хабар қўлганимиздек, Россиядаги Буюк Британия элчинносининг тўрт нафар ходими жосусликда айланганни. Кече Думада ушбу масалани депутатлар ФХХ вакиллари билан ёпиқ эшиклар ортида мухокама кильдилар. «Интерфакс» ахборот агентлигининг хабарида айтилишича, мухокама мазмунни хозирча маълум эмас.

ФХХ ходимининг сўзларига қарагандо, Бирлашган Қироллик хавфсизлик хизмати томонидан ушбу масалага изоҳ берилгандан сўнггина дастлабки тергов натижалари эълон қилинади. Хозирга кадар расмий Лондон ўз дипломатирига кўйиллаётган айловларга бирор изоҳ бергани йўк.

### Рекорд дараҷада даромад

McDonald's озиқовкот компанияси нинг даромади ўтган йил 20 миллиард долларга етди. Мъурмур вакилининг таъкидлашича, компаниянинг АҚШ, Европа ва Россиядаги шохобчалари даромади йилдан-йилга ўйиб бораётти. Компания жорий йилда хам ўз шохобчаларини 800 тага кўпайтириш учун 1,8 миллиард доллар ажратди.

